



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 14 август, № 159 (5579)

Сешанба

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



“Ўзбек халқининг энг улуғ ва энг азиз байрами — Мустақиллик куни арафасида Ўзбекистон халқига мурожаат қилишни ўзим учун катта шараф деб биламан, — дея сўз бошлади “Корея — Ўзбекистон” дўстлик уюшмаси раиси Ким Юн Сик “Жаҳон” ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбатда. — Бу йил Ўзбекистоннинг истиқлол байрами муҳим сана — мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги билан бир вақтга тўғри келгани мени қувонтиради”.

Ким Юн Сик:

«Ўзбек халқи истиқлол йилларида эришган муваффақиятлари билан фахрланса арзийди»

Ўз фикрларини ўртоқлашганда давом этар экан, Ким Юн Сик мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллашга мурассар бўлганини, юртимизда барқарорлиқни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳада туб ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш ва халқ фаровонлигини юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

— Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг аъзоси, “Корея — Ўзбекистон” дўстлик уюшмаси раиси ҳамда мамлакатингизга нисбатан катта хурматга эга бўлган киши сифатида мен юртингизга кўп маротаба борганман, — деди у. — Шу боис Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнида қандай қийинчилик ва таҳдидларни ениб ўтишига тўғри келганини яхши биламан. Дарҳақиқат, ўзбек халқи истиқлол йилларида эришган муваффақиятлари, жумладан, юқори даражадаги халқаро обрў-этибори, барқарор ривожланаётган иқтисодиёти ва мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар билан фахрланса арзийди.

Ким Юн Сик Корея Республикаси ва Ўзбекистон ўртасидаги тарихан қисқа

давр мобайнида стратегик шериклик даражасига кўтарилган икки томонлама муносабатларни юқори баҳолар экан, малакали кадрлар ҳамда юксак саноят инфратузилмасининг мавжудлиги сингари омиллар икки томонлама ҳамкорликнинг жадал ривожланишига хизмат қилаётганини эътироф этди.

— Икки давлат етакчилари мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг изчил тараққиёти топишида муҳим ўрин туттилади, — деди Жанубий кореялик эксперт. — Давлат раҳбарларининг ҳар йили ўзаро ташириқ алмаштирилиши халқаро амалиётда камдан-кам кузатиладиган ҳодиса. Шу маънода, 2008 йилдан буён Президентлар Ислам Каримов ва Ли Мён Бак ўртасида икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиққан тўртта учрашув бўлиб ўтгани алоҳида аҳамият касб этди.

Мулоқот якунида Ким Юн Сик “Корея — Ўзбекистон” дўстлик уюшмаси аъзолари номидан Ўзбекистон халқини Мустақилликнинг кутлуғ 21 йиллик байрами билан чин қалбдан табриқлади ва фаровон давлат куриши йўлида улкан муваффақиятлар тилади.

«Жаҳон» АА.
Сеул

Лизинг бозоридаги янги ланишлар

Иқтисодиётимиз раўнақига хизмат қилмоқда

Кеча Ўзбекистон Лизинг берувчилар уюшмасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Сарҳисоб

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Молия вазирлиги мутасаддилари, республикамизда фаолият юритаётган лизинг компаниялари раҳбарлари ҳамда тижорат банклари мутахассислари иштирок этди.

Таъкидланганидек, иқтисодиётимиз ривожига лизинг хизматларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Шу боис мамлакатимизда истиқлол йилларида мазкур соҳани тақомиллаштириш, тизимда замонавий хизмат

турларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, 2012 йилнинг олти ойи мобайнида республика бўйича жами 252 миллиард сўмлик 2,5 мингдан зиёд лизинг хизматлари кўрсатилгани, лизинг амалиётларининг умумий портфели эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12 фоизга ортиб, 1 триллион 373 миллиард сўмга етгани ана шундан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).



Анвар ИЛЕСОВ («Жаҳон» АА) олган сурат.

Ҳамюртимиз — уч карра Олимпиада чемпиони!

Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ўтказилган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини химоя қилган эркин курашчи Артур Таймазов олтин медални қўлга киритиб, Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрамига ажойиб тўхфа ҳозирлади. Унинг ғалабаси шарафига Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Ифтихор

Тажрибали спортчимизнинг ушбу муваффақияти бутун Ўзбекистон халқига олам-олам қувонч, хушқайфият бағишлади. Ўзаро давралардаги суҳбатларда ҳам юртдошларимиз бир-бирларини ана шу улкан ютуқ билан қутлар эканлар, бунга ўз-ўзидан эришилмаганини, ҳаммаси дав-

латимиз томонидан яратиб берилган беқийёс шарт-шароитларнинг амалдаги натижаси эканлигини бот-бот таъкидлашмоқда. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб,

ҳаётга татбиқ этилаётган кенг камровли чора-тадбирлар туфайли республикамизда ушбу соҳанинг жаҳон андозалари талабларига мос инфратузилмаси яратилди. Бугун жойларда фаолият кўрсатаётган бири-бирдан муҳташам спорт мажмуалари, стадионлар, сув ҳавзалари, энг аввало, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилаяпти. Қолаверса, бундай масканлар истеъдодли ўғил-қизларни аниқлаш, улар маҳоратини муттасил ошириб боришда ҳам муҳим аҳамият касб этаяпти.

Тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси — Олимпиада ўйин-

ларида совриндор бўлиш ҳар бир спортчининг орзуси. Аммо бунга фақат хоҳиш ёки истак билангина эришиб бўлмайди, айниса, сўнгги йилларда халқаро ареналарда рақобат муҳити кескин кучайиб бораётган бир вазиятда ғолибликни қўлга киритиш мушкул. Шундай экан, кўнглига эзгу мақсадни жойлаган спортчиға беллашувлар олтидан муносиб ҳозирлик кўриши учун етарли шароит яратиб берилиши катта аҳамиятга эга. Боз устига, спортчининг ўзи ҳам ана шу имкониятлардан самарали фойдалана билиши зарур.

(Давоми 4-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Қулай ишбилармонлик муҳити

Кичик бизнес тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда

Юртимизда бозор иқтисодиёти асосларини, авваламбор, унинг қонунчилик базасини тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Натижада истиқлол йилларида хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан химоя қилишни кучайтириш, мулк эгалари синфини шакллантириш, иқтисодиётни либераллаштиришни таъминлаш, тадбиркорлик, аввало, кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо қилишни кўзда тутадиган қонун ҳужжатларининг бутун бир мажмуаси яратилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Тадбиркор — қонун химоясида

Бу борадаги ислохотлар изчил давом эттирилиб, биргина жорий йилнинг 6 ойда тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвесторлар фаолияти эркинлигини таъминлашга қаратилган 113 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги диққатга сазовордир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан соҳага оид 374 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан, 68 та идоравий-меъёрий ҳужжат эса давлат рўйхатидан ўтказилди.

Эътиборлиси, ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли тадбиркорлар ортиқча оврагарчилик, қоғозбозлик

каби бюрократик тўсиқлардан халос бўлди, вақти ва маблағини тежаш имконияти яратилди. Барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларда тадбиркор ҳуқуқларининг устуворлиги принципи жорий этилди. Айни чоғда қонунчилик асосида тадбиркорга таъсир чораларини фақат суд тарафинида қўллаш белгиланди. Назорат органлари раҳбарлари ва мансabdор шахслари ўз ваколатлари доирасидан четга чиқиб, текшириш ўтказгани учун етказилган зарарнинг ўрнини қоплагани ҳолда, маъмурий ва ҳатто жиноий жавобгарлик-

ка тортилиши белгилаб қўйилди.

Умуман олганда, тадбиркорлик субъектларига бир қатор қўшимча имтиёз ва преференцияларни тақдим этиш бўйича амалга оширилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар ишбилармонлик муҳитида ижобий ўзгаришларни таъминлади. Яратилган бу имкониятлар натижасида 2000 йил билан таққослаганда, кичик бизнеснинг яли ички маҳсулотига қўшилган 31 фоиздан 54 фоизгача кўпайди. Ушбу соҳада банд бўлганлар сони шу давр ичида 2 баробардан кўпроқ ошди ва иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганларнинг 75,1 фоиздан кўпроғи унинг улушига тўғри келди.

(Давоми 2-бетда).

Август ойи — ҳосилни сақлаш ва кўпайтириш палласи

Мамлакатимиз “оқ олтин” хирмонининг баракаси ҳақиқий ҳосил тақдири ҳал бўладиган август ойида агротехника тадбирларининг нечоғлиқ сифатли ва ўз вақтида бажарилишига ҳам боғлиқ.

Деҳқонларга камарбастамиз

Негаки, пахтачиликда ҳар бир юмуш занжир ҳалқасидек бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, улاردан бирортаси кечиктириб юборилса ёки бажарилмаса, ҳосил бой бериб қўйилиши мумкин. Шунинг учун ҳосилни сақлаш ва кўпайтириш палласи — август ойида барча қишлоқ меҳнатқашлари фермернинг ёнида туриб, уларнинг энг яқин кўмакчисига айланиши даркор. Айниса, биз, энтомологлардан мавсум давомида ҳушёрликни сусайтирмастик талаб қилинади.

Кўп йиллик кузатишлардан маълумки, республикамизда август ойи киргач, ҳарорат нисбатан пасайиб, тунлари салқин тушади. Бу ҳол ҳосил қушандаси ҳисобланган кўсак қурти, ўргимчаккана каби зараркундаларнинг кўпайишига қулай шароит яратади. Агар бу пайтда назорат бўшаптириб юборилса, зарарли

хашаротларга қарши вақтида курашилмаса, маҳсабатли меҳнат эвазига тўпаланган ҳосилнинг 30 фоизгача бўлган қисмини бой бериш эҳтимоли бор.

Юртимизда ҳосил қушандаларига қарши курашишда, асосан, биологик усулдан фойдаланилаётгани қутилган самарани бераяпти. Бу экологик жиҳатдан мутлақо безарар, иқтисодий тарафдан эса камҳарajat эканлиги фермерларга ҳам манзур бўлмоқда. Бизнинг “Шона — Шаҳризода” биологик лабораториямиз мутахассислари томонидан худудимиздаги 22 та фермер хўжалигидан ташқари, “Ҳазорбоғ” ва “Ғалаба” сув истеъмолчилари уюшмаларига қарашли фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатиб келинмоқда. Натижада туманимиз фермерлари ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлишапти.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ
ШАРҲИ

Республикамизда 2012 йилнинг биринчи ярмида пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши

16,2 фоизни ташкил қилди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланмоқда

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида босқичма-босқич жорий этилаётган янги ланишлар унинг барча йўналишлари, айниса, алоқа ва ахборотлаштириш, сайёҳлик, маиший ва молия хизматлари кўрсатиш суръатининг кескин ошишини, пировардида пуллик хизматлар ҳажмининг жадал ривожланишини таъминлади.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Шунингдек, айрим фаолият турларини лицензиялаш тартибини соддалаштириш мақсадида, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб ноширлик фаолияти, қурилиш лойиҳалари экспертизасини ўтказиш, архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш каби фаолият турлари учун лицензияларнинг амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда

бузилишининг олдини олиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилади. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июль куни қабул қилинган "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эса халқаро экспертлар томонидан жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз хали тўлиқ бартараф этилмаган бир пайтда Ўзбекистоннинг дадил инқилобий қадамларидан

рида ҳисоб рақами очишда имзо намуналарини нотариал тасдиқлаш ҳақидаги талаб бекор қилинди. Сув ва канализация тармоқлари учун улашиш учун рухсат бериш тўғрисидаги аризалар икки иш куни, телефон тармоқлари учун улашиш эса 10 кун ичида кўриб чиқилади. Илгари тадбиркор бундай коммуникация тармоқларига улашиш учун расмий мурожаат қилгандан сўнг бир ойга қадар кутишга мажбур бўларди.

даво аризаси ва илтимосномаларни ҳужжалик судларига ўз хошияларига кўра, электрон шаклда юбориш ҳуқуқига ҳам эга бўладилар. 2014 йилнинг 1 январидан эътиборан, тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, давлат рўйхатидан ўтказиш механизми яратилди. Бунда рўйхатга олинган таъсис ҳужжатлари ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳ-

ликни ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қатор вазифалар юқлатилган бўлиб, унинг ижроси юзасидан ўтказилаётган ўрганиш жараёнида айрим назорат қилувчи органлар томонидан қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларига йўл қўйлаётгани аниқланди. Жумладан, 2012 йилнинг 6 ойи давомида назорат қилувчи органлар томонидан 114 та тадбиркорлик субъектида ноконуний текшириш ўтказилган ва 1202 та ҳолатда текширишларни ўтказиш тартиби бузилган. Ушбу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилди. Яъни 67 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 175 нафар мансабдор шахс маъмурий, 1458 нафари эса интизомий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб судларга 15,1 млрд. сўмлик 1117 та даъво аризаси киритилди.

Суд тизими ислохотларини чуқурлаштириш – давр талаби

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан "Суриштирув ва дастлабки терговни юритишда суд назоратини кучайтириш" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

■ Анжуман

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, адвокат-равақилари, бир қатор олий ўқув юртинларининг олимлари, илмий тадқиқот институтилари ва марказлари ходимлари қатнашди.

Давра суҳбатиде таъкидланганидек, мустақиллик йилларида дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, бу соҳадаги суд ишларини юритишни либераллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди. Хусусан, "Ҳабеас корпус" институти жорий этилганлиги, яъни эътиёт чораси сифатида қамоққа олиш учун санкция бериш ҳуқуқи 2008 йилдан бошлаб прокурордан сувларга ўтказилганлиги қонун ўзгартирилиши таъминлашда, шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим қадам бўлди. Ушбу тартиб фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, дахлсизлигини муҳофаза этишининг муҳим омил бўлди. Мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар, олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришда мустақкам асос бўлиб хизмат қилди.

Маълумки, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш тақдир этилган эди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29 ва 31-бобларига ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритишга муҳим ўрин ахратилган

бўлиб, уларда белгиланган тартибга мувофиқ, судга қадар иш юритиш босқичида қўлланиладиган процессуал мажбурув чоралари, қўноқчи, шахсни лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш чораси фақат судьянинг санкцияси билан қўлланиш тақдир қилинган.

Тадбирда ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ҳамда дастлабки тергов пайтида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Ҳабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш таъминлаши қайд этилди.

Анжуманда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини юксалтириш, судга қадар иш юритиш босқичида суд назоратини кенгайтириш истиқболлари, суриштирув ва дастлабки терговни юритишда суд назоратини ташкил этиш муаммолари ҳамда халқаро тажриба, шунингдек, бошқа долзарб масалалар тўғрисида фикр алмашилди.

Шунингдек, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришнинг қонунчилик базасини ривожлантириш бўйича бир қатор тақлифлар билдирилди, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш соҳасидаги қонун ҳужжатларини қўллаш тажрибасини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди.

Давра суҳбати якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Мустақкам ҳуқуқий асос

молиявий муносабатлар ривожиде алоҳида ўрин тутаети

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Мазкур қонун лойиҳаси тайёрлашидан асосий мақсад кредитлар, заёмлар ва бошқа молиявий амалиётларни расмийлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш, гаров мулк асосида хизмат кўрсатувчи кредиторлар таваккалчиликларини камайитириш ҳамда гаров айланмасини кенгайтириш хисобига кичик бизнес вакилларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришидир.

Унда гаров таъминоти бўйича маълумотларнинг ягона базаси кўринишида реестр ташкил этилиши, реестрда қайд этиладиган гаров таъминоти турлари тўлиқ шунчаси, реестр сақловчилар, актив эгалари ҳамда кредиторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақкам-

лаш сингару йўналишларга алоҳида уруғ берилгани бу борадаги ишларни жадаллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, қонун лойиҳаси ишончли гаров маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва гаровга олинган мулкка нисбатан ҳуқуқлари бўлган ёки уларга эга бўлишни хоҳловчи шахсларга етказиш, кредиторнинг гаровга олинган мулкка нисбатан гаровга қўйиш ҳуқуқини борлигини аниқлаш ва потенциал қарздорга гаровга қўйилган мулк тўғрисида маълумотлар беришни ҳам белгилайди.

Тадбирда сўзга чиққанлар "Гаров реестри тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг асосий хусусиятларига тўхталиб, мамлакатимизда молиявий хизматлар тизимини янада ривожлантиришга қулай шарт-шароитлар яратишини қайд этидилар.

Д. МУРОДОВ.

Қулай ишбилармонлик муҳити

кичик бизнес тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда

берилиши белгиланди. Бунда мазкур фаолият турларини амалга ошириш учун аввал берилган лицензияларнинг амал қилиш муддатлари чекланмаган, деб ҳисобланади.

Тадбиркорларга янада қулай шароит яратиш мақсадида интернет тармоғида ягона веб-сайт яратиб, унга лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари рўйхати, лицензия ва рухсатномалар олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар тўғрисидаги ахборот, тегишли фаолият турларини амалга ошириш учун лицензия ва рухсатномалар олган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги доимо янгиланиб бориладиган маълумотларни жойлаштириш белгилаб қўйилди. Бу тадбиркорларимизнинг соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан тезкор фойдаланиш ва хабардорлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Мазкур Фармонда Адлия вазирлиги зиммасига ҳам аниқ вазифалар юқланди. Яъни прокуратура органлари билан ҳамкорликда ҳисоботларни тақдим этиш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш масалаларини тартибга солуви қонун ҳужжатларига давлат ҳамда ҳужжалик бошқаруви органларининг сўзсиз ривожлантириш устидан мунтазам назоратни ўрнатиш, бюрократик говларни бартараф этиш ва қонунчилик талаблари

бири, дастуриламал ҳужжат деяр баҳоланмоқда. Унда қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашга ҳамда тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича 2013/2014 йилларда жорий этиладиган комплекс чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди.

Ушбу Дастурда тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, шартнома муносабатларининг бажарилиши учун жавобгарлик, ташқи иқтисодий фаолият, меҳнат муносабатлари ва бошқа соҳаларда аниқ тадбирларни амалга ошириш белгиланди. Жумладан, 2012 йил 1 августдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган 22 та янги норма ўрнатилди. Унга кўра, ҳужжалик юритувчи субъектларнинг давлат рўйхатидан ўтунга қадаш устав фондиди шакллантириш бўйича қисман тўлов бекор қилинди. Аини чоғда тадбиркорлик субъектига ном бериш ҳақидаги мурожаати статистика органлари томонидан 4 соат ичида қўриб чиқилади. Аввалги тартиб бўйича бундай мурожаатлар 24 соат давомида кўриб чиқилар, бу эса тадбиркорнинг оқдидини ном олиш учун ҳам бир кун ва ундан ортқ вақтиний йўқотишга сабаб бўларди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари учун тижорат банкла-

ридан бошлаб ҳужжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этиладиган солиқ ҳисоботлари катта корхоналар учун 2,3 бараварга, кичик корхоналар ва микрофирмалар учун 1,7 бараварга қисқартирилди. 2014 йилнинг охирига қадар эса барча тадбиркорлик субъектларини солиқ ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш тизимига ўтказиш назарда тутилмоқда.

Яна бир янгилик шундан иборатки, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига қўрилиши амалга ошириш учун рухсатномалар бериш муддатлари 2 бараварга, мазкур рухсатномаларни олиш бўйича харажатлар 5 бараварга, тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатганлиги учун тўлов миқдори камида 20 фоизга камайитирилди. Мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш муддати эса 2013 йил 1 январдан бошлаб 7 кунга қисқартирилди. Худди шундай, божхона томонидан юкларни расмийлаштириш ва товарнинг келиб чиқиш сертификатини бериш муддатини 3 кун қилиб белгилаш ҳамда экспорт қилинадиган товарнинг келиб чиқиши бўйича сертификатни бутун контракт ҳажмига бериш жорий этилади. Тадбиркорларимиз юкларни божхонада расмийлаштириш жараёнини "бир ойна" та-

номанинг электрон шаклда берилиши назарда тутилмоқда.

Маълумки, қилмишга жазо тайинлаш жиноят қонунчилигининг алоҳида институтидан бири ҳисобланади. Иқтисодий соҳаларда жиноятлар юзасидан суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти, етказилган зарарини миқдорига алоҳида эътибор қаратади. Эндиликда жиноят ишлари бўйича етказилган зарар миқдори кўпайитилади. Яъни анча миқдордаги зарар энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан юз бараваригача, кўп миқдордаги зарар энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш юз бараваригача, жуда кўп миқдордаги зарар беш юз бараваридан ортқ миқдорда белгилади. Амалдаги қонунчилик бўйича анча миқдордаги зарар энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача белгилангани назарда тутсак, мамлакатимизда бу соҳадаги жиноий қонунчиликни либераллаштиришда яна бир муҳим қадам қўйилганлиги амин бўламиз.

Шу ўринда айтиш лозимки, Адлия вазирлигига ҳам тадбиркор-

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳити соҳа ривожиде муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади, албатта.

Нигматилла ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бу йил ҳам мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Мавжуд биологаториялар озуқа ва зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминлангани туфайли белгиланган миқдорда биомаҳсулотлар тайёрланди. Ёзу майдонлари биологаториямиз кузатувчиси

Деҳқонларга камарбастамиз

Феруза Бобоназарова, лаборантлар Донахол Сафарова ва Ментош Ҳайитованинг доимий назорати остида. Уларнинг кўрсатмаси билан ҳар икки гектарга биттадан феромон тутқич ўрнатиб чиқилди. Зараркундалар белги берган жойга дарҳол олтинқўз, трихогарма ва бракон каби фойдаланган ҳашаротлар чиқарилмоқда. Бундан ташқари, зараркундалар ўчоғи мавжуд майдонларда ҳар гектар ерга 1,5-2,0 граммдан трихогарма ва 1,5-2 минг донадан бракон тарқатилаяпти. Бу каби чора-тадбирлар туфайли кўсак курти хавфи тўлиқ бартараф қилинди.

Жамоамиз аъзолари назоратни мавсум давомида сусайтирмасликка аҳд қилишган. Зеро, "Август ойи — ҳосилни сақлаш ва кўпайитириш палласи" экан, унинг ҳар бир кунини кўнгалдагидек ўтказиш, деҳқонларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига яратилаётган ҳосилни тўлиқ сақлаб қолиш бизнинг бурчимиздир. Уни шараф билан адо этсак, шубҳасиз, фермерлар пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятини ортиги билан удалаб, эл-юрт олдида барчамизнинг юзимиз ёруғ бўлади.

Азиз БОБОМУРОДОВ, Денов туманидаги «Шона — Шаҳризода» биологаторияси мудири.

Кўркам, сифатли ва рақобатбардош

Бино ва иншоотларнинг муҳташам ҳамда мустақкамлиги қурилиш материалларининг сифатига чамбарчас боғлиқ. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда маҳаллий ишбилармонларимиз саъй-ҳаракати билан ушбу турдаги рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

■ Жараён

Тўртқўл туманидаги "Тўртқўллик Достонбек" масъулияти чекланган жамияти фаолияти ҳам бунга яққол мисол бўла олади. — Лойиҳамиз Халқ банкининг туман филиали томонидан молиялаштирилди, — дейди жамият раҳбари, тадбиркор Анорхон Бекчонов. — Натияжада қисқа фурсатда замонавий дераза ва ромлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ҳамда 10 дан зиёд қўшимча иш ўринлари яратилди.

Айни пайтда корхонада ойига 30-40 миллион сўмлик дераза ва эшиклар ишлаб чиқарилиб, улар, асосан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойлар ҳамда таълим муассасаларига етказиб берилмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Мамлакатимиз лизинг бозорининг ривожини кўрсатилаётган хизматлар тури тобора кўпайиб бораётганида ҳам намоён

Лизинг бозоридаги янгиланишлар

иқтисодиётимиз равнақига хизмат қилмоқда

бўлмоқда. Айталик, бундан ўн йил аввал лизинг хизматларининг асосий қисми қишлоқ ҳўжалигига йўналтирилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари қамраб олинди. Аниқроқ айтганда, жорий йилнинг биринчи ярмида лизинг компаниялари томонидан кўрсатилган хизматларнинг 35,9 фоизи

енгил саноат, 10,6 фоизи тиббиёт, 7,9 фоизи қурилиш, 7,3 фоизи озиқ-овқат, 3 фоизи савдо, 0,4 фоизи матбаа, шунчаси ахборот-коммуникация технологиялари тизими ҳиссасига

ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги қарори эса бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилувчи навбатдаги муҳим ҳужжат бўлди. Анжуманда мута-

хассислар республикамиз лизинг бозорини кузатилаётган янгиланишлар хусусида сўз юритиш бароти барида, давлатимиз раҳбарининг ушбу қароридан келиб чиққан ҳолда, келгусида бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида ҳам фикр алмашдилар.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат»

Яқинда Хитой Халқ Республикасида нашр қилинадиган "Контимост" журналида ана шундай сарлавҳа остида мақола чоп этилди. Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳиятига бағишланган мазкур мақолада журналист Сунь Цзюнинг мамлакатимиздаги тарихий шаҳарлар бўйлаб ижодий сафаридан олган таассуротлари ҳақида ҳикоя қилинади.

■ Дунё нигоҳи

Муаллиф ўзининг кўрган-кечирганлари тавсифини азим пойтахтимиз — Тошкентдан бошлаб экан, бу замонавий шаҳардаги кенг ва озода кўчалар, кўмкўк барглари орасидан тангадек кўш нури ўтмайдиغان улкан дарактлар, шошлмасдан йўлида одимлаётган пиёдалар ўзида катта таассурот қолдирганини қайд этиди.

Шаҳарнинг ўтмиши хусусида тўхталар экан, Сунь Цзюнь 2000 йилдан зиёд тарихга эга Тошкент қадим Буюк Ипак йўлидаги энг гавжум ва ҳаёт қайнаган савдо марказларидан бири бўлгани ҳолда, бугунги кунда ҳам минтақанинг ўта муҳим транспорт йўлаги эканини алоҳида таъкидлайди.

"Тошкент шаҳри — мозийда Шарқ ва Фарб ўртасидаги маданий ҳамда савдо алмашувларининг маркази ва улкан

аҳамиятга молик транспорт магистрალი бўлган, — деб ёзади у. — Қачонлардир бу йўлларда Хитой элчилари — Чань Цзянь, Фа Сянь, Сюань Цань ўз изларини қолдирганлар".

Журналхонларни юртимиз билан таништиришда давом этар экан, муаллиф ўз ўқувчиларини хаёлан қўхна Самарқанд сари етказлайди. Дунёдаги энг улуғвор ва маҳобатли гўшалардан бири саналадиган ушбу шаҳар ширин-шакер мевалар етиштириладиган гўзал бог-роғлар, ажойиб меъморий обидалари ҳамда бой тарихи билан 2001 йили ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатидан ўрин олганини қайд этиди.

Қўхна ва ҳамisha навқирон Самарқанднинг диққатга сазовор маканлари билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини атрофлича қаламга олар экан, Сунь Цзюнь Амир Темур мақбарасига алоҳида

эътибор қаратади. "Мақбара улугвор кўринишга, ёрқин бўёқли нақшларга, катта қувурғасимон гўмбазга эга бўлиб, унда Шарқ меъморчилигининг ўзига хос жиҳатлари яққол акс этган. Ушбу обида жаҳонга машҳур Марказий Осиё меъморчилигининг ганжинасидир. Тилла ва зумрад ранга чулганган даҳманинг маҳобати буюк Соҳибқирон хотирасига хурмат-эҳтиром даражасининг оқсаклигидан далолат беради", деб ёзади у.

Халқ амалий санъати усталарининг ишлари, жумладан, миниатюралар ҳам хитойлик журналистнинг назаридан четда қолмаган. Унинг ёзишича, ўзбек усталари санъатининг силрлари кўп аслрлар давомида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келаётгани диққатга молик жиҳатдир.

"Ўзбекистон — меҳмондўст халқига эга бўлган дўст мамлакатдир. Бу юрт маҳаллий аҳолининг самимияти, гўзал табиати, бой ва ранг-баранг маданияти, шунингдек, бетакор миллий таомлари билан жаҳон сайёҳлари эътиборини мисли оҳанрабодек ўзига жалб этмоқда", дея таъкидлайди Сунь Цзюнь мақола интиҳосида.

«Жаҳон» АА.



«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ

жамоаси юртимиз аҳлини ардоқли байрамимиз — Мустақилликнинг 21 йиллиги билан қутлайди. Жонажон Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ишларида юртдошларимизга бахт-саодат, омад ва муваффақият ҳамроҳ бўлишини, истиқбол режалари рўёбга чиқишини тилайди!

Ушбу байрам ҳар бир хонадонга минълик-топувлик, файзу барака, шўкин-собиблик олиб келсин!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Иккинчи олий маълумот олиш учун қуйидаги йўналишлар бўйича ҳужжатлар қабул қилаётганлигини эълон қилади

- Касб таълими: иқтисодиёт.
- Касб таълими: информатика ва ахборот технологиялари.
- Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича).
- Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича).
- Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича).
- Банк иши.
- Солиқлар ва солиққа тортиш.
- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича).
- Статистика (тармоқлар ва соҳалар бўйича).
- Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси.
- Информатика ва ахборот технологиялари (тармоқлар бўйича).
- Хизматлар соҳаси (сервис).
- Меҳмонхона ҳўжалигини ташкил этиш ва бошқариш.

Ҳужжатлар жорий йилнинг 20 августигача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 183-уй, университетнинг 2-ўқув биноси.

«KOCNMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Самарқанд вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК 1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан, қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда, тақдоран қўйилмоқда:
1. Самарқанд шаҳри, «Боғишамол Фарон» боғдорчилик уюшмаси ҳудудида жойлашган икки қаватли дала ҳовли биноси. Бошланғич баҳоси — 146 670 279 сўм.
2. Самарқанд шаҳри, «Боғишамол Фарон» боғдорчилик уюшмаси ҳудудида жойлашган икки қаватли дала ҳовли биноси. Бошланғич баҳоси — 38 710 960 сўм.
 2. Аукцион савдосига Пайарик тумани СИБ томонидан, ФИБ Иштихон тумани судининг 2011 йил 10 октябрдаги 7941-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пайарик тумани, Бунёдкор маҳалласи ҳудудида жойлашган, «Суюкли жавоҳирлар» ф/ҳга қаршли парандачилик фермаси биноси тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 139 252 000 сўм.
- Аукцион савдоси 2012 йил 30 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56. Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001

«KOCNMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

- Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 15 апрелдаги ЖСК-1-55-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Караван Холдинг» тизимидаги «Stroygorod» ЕАЖ УМ, «Концерн Карвон-Стройгород» МЧЖ, «СЖ Сервис» МЧЖ, «Фаст Фод» МЧЖ, «Стройгород Медиа» МЧЖ, «Стройгород Имкон» МЧЖ, «СЖ Проект Мастер» МЧЖ, «Карвон Сторож» МЧЖ, «СЖ Хизматчи» МЧЖ, «СЖ Хоме Депот» МЧЖ, «СЖ Промстрой Материал» МЧЖ, «Стройгород Экспресс» МЧЖ, «Стройгород Ютук» МЧЖ, «Сарбон экспресс» МЧЖ, «Элите Бизнес» МЧЖга тегишли мол-мулклар арзонлаштирилиб, жамланма сифатида тақдоран қўйилмоқда.
- Бошланғич баҳоси — 10 634 271 715,4 сўм.
- Аукцион савдоси 2012 йил 30 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.
- Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш. Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Тел.: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтими: www.1kms.uz
- Лицензия: RR-0001

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

2012 йил сентябрь — декабрь ойларида ҳар ҳафтанинг сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача Давлат тест маркази (ДТМ)да хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) масалалари бўйича фуқаролар қабул қилинади.

Ҳужжат эгаси ёки манфаатдор ташкилот хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва уларнинг эквивалентлигини қайд этиш ҳақидаги ариза (бевосита ДТМда тўлдирилади) билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва иловасининг асл нусхаси;
- маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва иловасининг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тасдиқланган таржимаси.

Ариза берувчи, шунингдек, ўз тайёргарлиги ҳақида бошқа ҳужжатларни, жумладан, таълим олишнинг кейинги даражалари, касбий фаолият билан шуғулланиш мумкинлиги, амалий тажриба ҳақидаги қўшимча ҳужжатларни ҳам тақдим этиши мумкин. Тан олиш ва эквивалентлигини қайд қилиш учун зарур бўлган материаллар Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тасдиқланган таржималари билан тақдим этилиши лозим. Лозим бўлган ҳолларда ДТМ томонидан тегишли ўқув юрти, маҳаллий ва хорижий ташкилотлардан аниқлаштиришчи ҳужжатлар сўраб олиниши мумкин.

Ҳужжатлар ДТМ ҳузурида Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими ва Адлия вазирликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ташкил этиладиган эксперт комиссиялари томонидан кўриб чиқилади. Экспертиза давлат таълим стандартлари, таълим муассасасини ўзлари жойлашган давлатларда белгиланган тартибда аккредитация қилиш ҳақидаги ҳужжат, ўқув режалари, фан дастурлари, малака тавсифномалари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Барча ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб бир ойдан ошмаган муддатда таълим тўғрисидаги ҳужжатларни эквивалентлиги ёки уни рад этиш ҳақида тегишли қарор қабул қилинади.

Экспертиза натижаларига кўра, махсус синовлардан ўтиши белгиланган талабдорлар учун 2012 йил 16 сентябрь, 14 октябрь, 18 ноябрь ва 16 декабрь кунлари тегишли фанлардан махсус синовлар ўтказилади.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш бўйича эксперт комиссияларининг йиғилишлари жадвали

Эксперт комиссиялари	Йиғилиш ўтказиладиган саналар	Вақти
Ҳуқуқшунослик	2012 йил 14 ва 24 сентябрь, 12 ва 22 октябрь, 16 ва 26 ноябрь, 14 ва 24 декабрь	16.00
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот	2012 йил 25 сентябрь, 23 октябрь, 27 ноябрь, 25 декабрь	15.00
Иқтисодиёт	2012 йил 26 сентябрь, 24 октябрь, 28 ноябрь, 26 декабрь	16.00
Қишлоқ ҳўжалиги, муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш соҳалари	2012 йил 27 сентябрь, 25 октябрь, 29 ноябрь, 27 декабрь	15.00
Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогик фанлар	2012 йил 28 сентябрь, 26 октябрь, 30 ноябрь, 28 декабрь	14.00

Махсус синовларда қатнашишга рўйхатдан ўтиш учун фуқаролар ДТМ директорлари номига ўзларининг почта индекслари, уй манзили, боғланиш телефони, ўқиган таълим муассасасининг номи, мутахассислиги, ДТМдан берилган тилхат рақами ҳамда синовни қайси тилда топширишини аниқ кўрсатган ҳолда, синов ўтказиладиган кундан камида бир ҳафта олдин ариза беришлари лозим. Аризалар почта ёки факс орқали ҳам юборилиши мумкин. Рўйхатга киритилган талабдорлар паспорт ҳамда ДТМдан берилган тилхатни шахсан тақдим этган ҳолда синовга қўйилдилар. Махсус синовлар соат 9.00 да бошланади.

Махсус синовларни ташкил этиш ва ўтказиш учун талаб этиладиган вақт таълим тўғрисидаги ҳужжатларни эквивалентлиги ёки уни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш учун белгиланган муддатга қирмайди.

ДТМ манзили: Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 12-уй.
Телефон: (8-371) 234-46-83. Факс: (8-371) 234-71-84. Интернетдаги веб-сайтими — www.dtm.uz

ДИҚҚАТ!

1. 1992 йил 1 январдан кейин хорижий давлатлар таълим муассасаларига ўқишга кириб, БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ ва ТАРИХ таълим йўналиши бўйича олинган дипломлар Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартлари ва таълимга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келмаслиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тан олинмайди ва нострификация қилинмайди.
2. 2004 йил ва ундан кейин хорижий давлатлар таълим муассасаларининг сиртки бўлимига ўқишга кирган фуқароларнинг дипломлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тан олинмайди ва нострификация қилинмайди.

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Фарғона вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда 2012 йил 14 сентябрь куни соат 10.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- Фарғона тумани СИБ томонидан, ЖИБ Ёзёвон тумани судининг 2012 йил 23 апрелдаги 1-59-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ёзёвон тумани ИИБда сақланаётган: 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Нексия» русумли, давлат рақами 40 D 522 EA, ранги қулранг, бошланғич баҳоси — 24 522 500 сўм; 2011 йилда ишлаб чиқарилган «Ласетти» русумли, давлат рақами 01 U 648 HA, ранги оқ, бошланғич баҳоси — 36 783 750 сўм; 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «Нексия» русумли, давлат рақами 40 H 643 AA, ранги оқ, бошланғич баҳоси — 14 713 500 сўм; 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Нексия» русумли, давлат рақами 10 BF 891, ранги қулранг, бошланғич баҳоси — 22 070 250 сўм.

Фарғона тумани СИБ томонидан, ЖИБ Ёзёвон тумани судининг 2012 йил 2 майддаги 1-85-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ёзёвон тумани ИИБда сақланаётган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Нексия» русумли, давлат рақами 15 U 7879, ранги қора, бошланғич баҳоси — 24 353 035 сўм; Фарғона тумани СИБ томонидан, ЖИБ Ёзёвон тумани судининг 2012 йил 17 майддаги 1-79-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Риштон тумани ИИБда сақланаётган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, «Дамас» русумли, давлат рақами 15 G 8121, ранги қуқ, бошланғич баҳоси — 4 241 781 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш

юзасидан тақдорий савдо 2012 йил 29 сентябрь ва 15 октябрь кунлари бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уйда ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлар «Закалат пули тўғрисидаги қелишув»ни имзолаганларидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktision invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг ОАТ «Савдогарбанк» Фарғона вилояти бўлимидаги МФО: 00500, СТИР: 302083379, 20208000204932168003 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Манзил: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй. Телефон: (+99895) 404-44-78.

Гувоҳнома № 004059.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

мамлакатимиз аҳолисини Мустақилликнинг 21 йиллиги билан муборакбод этади ва миллий валютадаги янги, муддатли омонати амалга киритилганини маълум қилади

- Сақлаш муддати — 3 ой.
- «ИСТИҚЛОЛ» Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

Омонатларга маблағ қабул қилиш 2012 йил 20 августдан 1 октябрга қадар амалга оширилади.

Миллий валютадаги омонатнинг муддати узайтирилганини маълум қилади

- Сақлаш муддати — 5 ой.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлашувисиз тўланади.
- Омонатга маблағ қабул қилиш 2013 йил 31 январга қадар амалга оширилади.

«ХАЗИНА»

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун узимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

www.nbu.com

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети раҳбарияти ва касба уюшма кўмитаси Немис филологияси факультети немис тили грамматикаси ва тарихи кафедраси муdiri, доцент Лутфилла Холиёровага волидаи муҳтарамаси ОЙТўРА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бутунжаҳон курашни ривожлантириш жамғармаси жамғарма раиси ўринбосари Маҳаммадjon Юсуповга падари бузруквори Мубашир ЮСУПОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ҳамюртимиз – уч карра Олимпиада чемпиони!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳап шароитлар ҳақида борар экан, таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2009 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги қарори асосида атлетларимиз учун уч босқичли тайёргарлик дастури ишлаб чиқилиб, амалда жорий этилди. Артур Таймазовнинг ҳам учинчи бор Олимпиада ўйинлари голиблигига эришишида ана шу дастурнинг ўрни нисбатда катта.

Нуфузли мусобақада 120 кг. вазн тоифасида қатнашган спортчимиз дастлабки баҳсни Германиялик Ник Матухинга қарши ўтказиб, катта устунлик билан галаба қозонди. Навбатдаги беллашувларда унга қарши гиламга чиққан Осиев чемпионати совриндори, эронлик Комил Гашеми, Панамерика чемпиони ва жаҳон кубоги соҳиби, АҚШлик Тервел Длагнев ҳам ҳамюртимизга ҳеч қандай қаршилиқ кўрсата олмади. Шу тариқа Артур олтин медаль учун

кечадиган якуний беллашувга йўл олди.

Финал. Мазкур баҳсга қизиқиш жуда катта эди. Буни мусобақалар ўтказилган "ExCel" аренасининг ишқибозлар билан тўлиб-тошганидан ҳам билиш қийин эмасди. Чунки тарихий беллашув сифатида эътироф этилаётган курашда мухлис мутахассислар Артур Таймазовни Олимпиада ўйинларида ўзининг учинчи олтин медалини қўлга киритишни кутишарди. Кувонарлиси, спортчимиз зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиб, ўзига билдирилган ишончни оқлади. У Грузиялик полков Давид Модзманашивилига ҳеч қандай имконият қолдирмай, шохсупанинг энг юқори поғонасига лойиқ эканлигини исботлади. Артурнинг Ватанимиз байроғини кўтарганча кураш майдони бўйлаб юрганини барчамиз ойнаи жаҳон орқали катта ҳаяжон билан томоша қилдик. "Яшавор, Артур!", "Баракалла, Артур!" каби олқишларни баралла

айтдик. Албатта, бундай лаҳзалар ҳар қандай кишига ўзгача гурур ва ифтихор бағишлайди.

Дарвоқе, у шу пайтгача ёзги Олимпиада ўйинларининг эркин кураш баҳсларида учта олтин медални қўлга киритган учинчи спортчи сифатида тарихдан жой олди. Аммо Артурнинг бошқалардан устун жиҳати шундаки, унинг ҳисобида Афина, Пекин ва Лондон Олимпиадаларининг бош совринидан ташқари, 2000 йилда Сиднейда қўлга киритилган битта кумуш медали ҳам бор. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон спортчиси дунёдаги ягона эркин курашчига айланди.

Артур Таймазов Президентимиз томонидан давлатимизнинг юксак мукофотлари — "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи", "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвонлари ва "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган.

Шунингдек, Лондон Олимпиадасида ҳамюртларимиздан Ришод Собиров (дзюдо), Аббос Атоев (бокс) ва Сослан Тигиев (эркин кураш) бронза медалини қўлга киритдилар.

Фозлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Байрамни янги уйда нишонлашади

Фарғона шаҳридан чиқишдаги катта автомагистраль йўли бўйида бунёд этилган замонавий уйларга кўпчиликнинг ҳаваси келади.

Кувонч

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида намунавий лойиҳалар асосида қад ростла-

ган ушбу 20 та тураржойнинг калити ўз эгаларига топширилди.

— Энг улғу, энг азиз байрамни янги уйда нишонлашдан ортиқ бахт бўлмаса керак, — дейди меҳнат фахрийси Маъруф ота Фуломов. — Беш хонали иморатда барча шарт-шароит яратилган. Шундай дорил-амон кунларда яшаётганимизга шўқрона айтаман.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

● Реклама ва эълонлар ●



ТОМ МАРКАЗИ

«STIL INVEST SERVIS»

Жамоаси

мамлакатимизнинг барча фуқароларини республикаимиз Мустақиллигининг 21 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади!

Мамлакатимиз тараққиёти ва порлоқ истиқболини таъминлаш йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларингиз баракали бўлсин!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, байрамона кайфият тилаймиз!





«Фаровон»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

САВДО-САНОАТ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Истиқлолимизнинг 21 йиллиги билан Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этади! Жонажон Ватанимиз мустақиллигини мустақкамлашга, мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ортишига муносиб хисса қўшаётган юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларига файзу барака, ишларида улкан зафарлар тилайди.



«Максам Чирчиқ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ЖАМОАСИ

мамлакатимизнинг барча фуқароларини Ўзбекистон Мустақиллигининг 21 йиллик байрами билан самимий қўтлайди!

Эзгу ниятлар билан Ватанимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган бунёдкорлик ишларимизда омад ёр бўлсин.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 66 151 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оршов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов.
Навбатчи — Ғ. Шералиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5